

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

71 -сонли
«10» июнь 2016 йил

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг
Биринчи ўринбосари



С.С.Ходжаев

«ДАВР БАНК»
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
УСТАВИ
(янги тахрир)

Акциядорларнинг навбатдаги
йиллик умумий йиғилишининг
«22» апрель йилдаги
1 -сонли баённомаси
билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Банк Кенгаши Раиси

М.М. Мирзаятов



1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “ДАВР БАНК” хусусий акциядорлик тижорат банки, бундан буён – “Банк”, Акциядорларнинг таъсис мажлиси қарори билан ташкил этилган (2000 йил 27 ноябрдаги 1-сонли баённома).

1.2. Банк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларидан, бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатларидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларидан, шунингдек, мазкур Уставдан фойдаланади.

1.3. Банк акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган бўлиб, юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансига эга ҳамда хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида фаолият кўрсатади.

1.4. Банк Ўзбекистон Республикаси ягона банк тизимига киради. Банкнинг фаолият муддати чекланмаган.

1.5. Банк ташкил этилиши ва фаолиятдан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензияларга мувофиқ банк фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида хизмат кўрсатишдан иборат.

1.6. Банк хусусий мулк асосида ўзига тегишли бўлган алоҳида мол-мулкларга, яъни бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, инвентарлар, фондлар ва бошқа маблағларга эга.

Банк ўз номидан мулкий ҳамда шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, уларни бировнинг ихтиёрига ўтказиши, зиммасига мажбуриятлар олиши, миллий ва хорижий валютада битимлар тузиши, судда даъвогар ҳамда жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Банкнинг жамланган балансида қийматлари акс эттирилувчи пул ҳамда бошқа моддий ва номоддий қимматликлар, жумладан, Банк филиалларининг балансида турувчи мол-мулклари Банкнинг мол-мулки ҳисобланади.

1.8. Банк ўз мажбуриятлари, жумладан, фуқароларнинг омонатлари бўйича ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгардир.

Акциядорлар Банк мажбуриятлари бўйича жавобгар эмаслар ва Банк фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзларига тегишли акцияларнинг қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Акциялари учун тўловни тўлиқ амалга оширмаган акциядорлар Банк мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Банк ўз акциядорлари мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

Давлат ва унинг идоралари Банк мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмаганидек, Банк ҳам давлат ва унинг идоралари мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

1.9. Юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек хорижий юридик ҳамда жисмоний шахслар Банк акциядорлари бўлишлари мумкин, бироқ, агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, жамоатчилик бирлашмалари ва фондлари бундан мустасно.

1.10. Ҳар бир акциядорнинг Устав капиталидаги улуши, яъни иштироки амалдаги қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тўланадиган миқдоридан кўп бўлиши мумкин эмас.

Банк Устави билан Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгаши ёки Бошқаруви қарорлари асосида қабул қилинган Банкнинг тасдиқланган ички ҳужжатлари қоидалари орасида номувофиқликлар мавжуд бўлган ҳолларда Банк Устави қоидалари устувор аҳамиятга эга ҳисобланади.

1.11. Банк белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқини бермаган ҳолда ўз филиалларини очиши мумкин. Банк республикадан ташқарида ўз филиаллари ва ваколатхоналарини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсати билан очиши мумкин. Банк ўз филиалларини мол-мулк билан таъминлайди. Филиал ёки ваколатхонага берилган Банк мол-мулки Банк балансида ҳисобга олинади.

1.12. Банкнинг тўлиқ номи:

| | |
|-----------------------------------|---|
| кирилл алифбосидаги ўзбек тилида: | «ДАВР БАНК» хусусий акциядорлик тижорат банки |
| лотин алифбосидаги ўзбек тилида: | «DAVR BANK» xususiy aksiyadorlik tijorat banki |
| рус тилида: | Частный акционерный коммерческий банк «ДАВР БАНК» |
| | Private Joint-Stock Commercial Bank |
| инглиз тилида: | «DAVR BANK» |

Банкнинг қисқартирилган номи:

| | |
|-----------------------------------|-------------------|
| кирилл алифбосидаги ўзбек тилида: | «ДАВР БАНК» ХАТБ |
| лотин алифбосидаги ўзбек тилида: | «DAVR BANK» ХАТБ |
| рус тилида: | ЧАКБ «ДАВР БАНК» |
| инглиз тилида: | PJSCB «DAVR BANK» |

1.13. Банк ва унинг филиаллари Ўзбекистон Республикаси давлат тилида Банкнинг тўлиқ фирма номи ҳамда жойлашган жойи кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўладилар.

Банк ўз номи кўрсатилган муҳр, штамп ва бланкларга, ўз эмблемаси(тимсоли), шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нишони ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

Банкнинг манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100021, Тошкент ш., А. Навоий-Зарқайнар кўчаси, Блок «А».

Банкнинг расмий веб-сайти: www.davrbank.uz.

Банкнинг электрон почта манзили: info@davrbank.uz.

2. БАНКНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Банкнинг асосий мақсади - банк фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, Банк акциядорларига фойда тўланишини таъминлаш мақсадида ўзига тегишли ва жалб этилган

маблағларни ишлатиш ҳисобига фойда олиш асосида комплекс банк хизматлари кўрсатишдан иборат.

2.2. Ўз мақсадларига эришиш учун Банк қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

Банк хизматлари бозорини ривожлантириш ва юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ички ва халқаро бозорлардаги банк хизматларига нисбатан ўсиб бораётган талабларини қондириш;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни яхшилашга кўмаклашиш ва молия-ҳисоб-китоб интизомини замонавий техник воситалар ҳамда банк технологиялари ёрдамида мустаҳкамлаш;

жалб этилган маблағларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва уларни халқаро стандартлар даражасига етказиш, технологиялар ва уларнинг модификациялари янги турларини жорий этиш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш;

кредитлаш ва замонавий банк технологияларини жорий этиш орқали иқтисодий салоҳиятни ривожлантиришга кўмаклашиш;

Банк томонидан жалб этиладиган маблағларни ишончли, фойдали қўйилмаларга жойлаштириш орқали омонатчиларнинг омонатлари сақланишини таъминлаш йўли билан уларнинг манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш;

ўз хусусий капитали ва жалб қилинган маблағларни доимий кўпайтириш учун барча қўлайликлардан фойдаланиш, шунингдек иқтисодиётнинг аниқ сектори, кичик бизнес субъектлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларга банк хизмати кўрсатишнинг шакл ҳамда турларини кенгайтириш, уларнинг чинакам ҳамкорига айланишни таъминлаш, омонатчиларнинг банк тизимига бўлган юксак ишончини оқлаш, банкнинг молия бозоридаги воситачилик ролини фаоллаштириш ва унинг молиявий мустақиллиги, ички ҳамда халқаро бозорларда рақобатбардошлигига эришиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида банк фаолиятининг бошқа турларини амалга ошириш.

3. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензиясига биноан банкка республикада, унинг ташқарисида банк операцияларини ўтказиш ва битимларни тузиш ҳуқуқи берилади.

3.2 Операцияларни амалга ошириш ҳамда пул маблағларини сақлаш учун Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоб-касса марказларида ва бошқа корреспондент банкларда корреспондентлик ҳисобрақамларини очади.

3.3. Банк кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа банк операцияларини миллий ҳамда чет эл валютасида қуйидагича амалга оширади:

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек корреспондент банкларнинг ҳисобварақларини очади, ҳамда ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширади; миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларини ҳисобрақамларга ва омонатларга жалб қилади;

ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан қайтаришлилик, тўловлилик, муддатлилик, мақсадлилик ва таъминланганлик шартлари асосида ўз номидан кредитлар беради;

маблағ эгаси ёки тасарруф этувчиси билан тузиладиган шартномага биноан пул маблағларини бошқаради;

мижозлар ҳамда банк-корреспондентлар топшириғига биноан ҳисоб-китобларни амалга оширади ва касса хизматларини кўрсатади;

учинчи шахслар номидан пул шаклида бажарилишини кўзда тутувчи кафолат, кафиллик ва бошқа мажбуриятларни беради ҳамда қабул қилади;

учинчи шахслардан мажбуриятларининг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олади;

қимматли қоғозларни чиқаради, харид қилади, сотади, ҳисобга олади ва сақлайди ҳамда мижоз билан тузилган шартномага кўра қимматли қоғозларни бошқаради ва қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажаради;

ўз маблағлари ҳисобидан, улушбай асосида корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини холдинг асосида ташкил қилиш ва хўжалик фаолиятида иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган Бош лицензияга мувофиқ юридик ва жисмоний шахслардан (резидент ва норезидентлар) нақд ҳамда нақдсиз шаклларда чет эл валютасини харид қилади ва сотади;

аҳолининг ҳужжатларини, қимматбаҳо ва бошқа буюмларини депозит сейфларда сақлаш хизматини кўрсатади ;

лизинг шартлари асосида жиҳозлар, транспорт воситалари ҳамда бошқа мол-мулкларни сотиб олади ва топширади;

банк фаолияти билан боғлиқ маслаҳат ва маркетинг хизматларини кўрсатади;

электрон пластик карточкаларни жорий қилади ва қонунчиликка зид бўлмаган банк фаолияти ҳамда бошқа операциялар билан боғлиқ электрон хизматларни кўрсатади;

лицензияда махсус назарда тутилган, халқаро банк амалиётига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилиғига зид бўлмаган бошқа операцияларни амалга оширади.

Банк ўз фаолиятида ижтимоий ва экологик масалаларга масъулият билан ёндошишга катта эътиборини қаратади ҳамда ўзининг кредит ажратиш амалиётида атроф муҳит ва жамиятга салбий таъсири сезиларли бўлмаган ёки кам таъсирли лойиҳаларни молиялаштиришни дастлабки ўринларга қўяди.

3.4. Банк аҳоли, корхоналар, ташкилотлар, кредит ва молия институтлари, жумладан, норезидентларнинг эркин пул маблағларини сафарбар этади ҳамда уларни талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамларида, жамғарма, муддатли депозит ҳисобрақамларида, шунингдек, депозит ҳисобрақамлари ва мажбурият ҳисобрақамларининг бошқа турларида сақланишини таъминлайди.

3.5. Банк корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда фуқароларни миллий ва хорижий валюталарда кредитлашни амалга оширади.

Банк томонидан берилладиган кредитлар одатда қарз олувчи ёки учинчи шахсга тегишли, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк гарови, шунингдек, банк амалиётида қабул қилинган бошқа шакллардаги кафолат, кафиллик ва мажбуриятлар билан таъминланади. Бу кафолат, кафиллик, мажбуриятларнинг етарлилигини Банк ўзининг Кредит сиёсати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талаблари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда белгилайди.

3.6. Агар банк фаолиятининг у ёки бу турини амалга ошириш учун давлат идораларининг рухсатномалари талаб этилса, Банк бундай фаолият билан тегишли рухсатномаларни олгандан сўнг шуғулланади.

Банк ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4. МИЖОЗЛАР МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНИШИ

4.1. Банк ўзига олган мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришга тайёрлигини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган нормативларга мувофиқ ўз баланси тузилмасини тартибга солиш йўли билан доимий равишда қўллаб-қувватлаб туради.

4.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган нормативларга мувофиқ Банк жалб қилинган пул маблағларининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мажбурий захиралар фондида депонентлайди.

4.3. Банк Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни талабларига биноан банк сири ҳисобланмиш маълумотларнинг муҳофаза қилинишини кафолатлайди. Банк сирига оид маълумотларни ошкор қилиш фақат қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.4. Банкнинг мижозлар ва бошқа контрагентлар билан муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларини инобатга олган ҳолда шартнома асосида қурилади.

5. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда Банк мустақилдир.

5.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

депозиторлар, омонатчилар ва қарз олувчилар билан келишган ҳолда депозитлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоизларни мустақил равишда белгилаш;

бошқа тижорат банклари билан шартнома асосида банклараро депозитлар ва кредитларни жалб қилиш ҳамда жойлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоб-касса марказлари ва бошқа банкларда очилган хорижий валютадаги корреспондентлик ҳисобрақамлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

мижозларга кўрсатилаётган хизматлар учун комисион тўловлар миқдорини мустақил белгилаш;

барча солиқлар ҳамда мажбурий тўловлар тўлаб бўлингач Банк тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан захиралар ва фондлар ташкил этиш;

ўз ваколати доирасида мустақил равишда битимлар тузиш ва юридик ҳаракатларни амалга ошириш, жумладан: мол-мулк объектларини харид қилиш ва сотиш, ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш, ижара, топшириқларномалар, комиссия, сақлаш бўйича битимлар тузиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқарида кўргазмалар, савдолар, танловлар, конференциялар, симпозиумларда иштирок этиш;

тузилган шартномалар бўйича, шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ мижозлардан мажбуриятлар бажарилишини белгиланган тартибда талаб этиш;

Банк ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг шакллари, тизими, тартиби ва миқдорларини мустақил равишда белгилаш;

қурилиш амалга оширилиши билан боғлиқ муҳандислик-иқтисодий экспертизаси ва бошқа хизматларни кўрсатиш;

Банк маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни экологик ва ижтимоий экспертизадан ўтказиш;

кредитланаётган корхоналар ва ташкилотлардан уларнинг тўловга қодирлигини, шунингдек, берилаётган ва берилган кредитларнинг таъминланганлигини тасдиқловчи ҳисоботлар, баланслар ва ҳужжатларни олиш;

кредитланаётган объектлар қурилиши, кенгайтирилиши, реконструкцияси ва техник қайта жиҳозланиши бўйича лойиҳавий қарорлар экспертизадан ўтказилишини талаб этиш;

пул мажбуриятларини бажармаслиги муносабати билан корхоналар ва ташкилотларни қонунчиликда белгиланган ҳолларда банкрот деб топиш бўйича ариза билан мурожаат қилиш;

ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш учун иттифоқлар, уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларда иштирок этиш;

ўз молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган, лицензия ва мазкур Уставда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар ва операцияларни бажариш.

5.3. Ўз мижозлари манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:

Марказий банкда маблағларни захиралаш ва ўрнатилган иқтисодий нормативларга риоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган талабларни бажариш;

кредит ва лизинг, Банкнинг бошқа активлари ҳамда балансдан ташқари мажбуриятлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган миқдорларда ва тартибда захираларни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети касса ижроси бўйича операцияларни бажариш;

гаров (жумладан, мол-мул кўринишида), тақдим этиладиган кафолатлар, кафиллик ва мажбуриятлар етарлилигини ҳисобга олган ҳолда Банк томонидан бериладиган кредитларнинг таъминланиши ички меъёрий тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа ваколатли идоралар томонидан белгиланган тартибда ўз фаолияти ҳақидаги ахборот ошкор этилишини амалга ошириш;

Банкда ички аудит ва ички назорат хизмати мавжудлигини таъминлаш;

ўз мижозлари ва корреспондентлари операциялари, ҳисобрақамлари ва омонатлари бўйича махфийликни сақлаш;

амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

6. БАНКНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ

6.1. Банкнинг ўз маблағлари Устав капитали, захира фонди, тақсимланмаган фойда ва Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига кўра фойдадан ташкил этиладиган бошқа фондлар маблағларидан таркиб топади.

6.2. Банк оддий эгаси ёзилган акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга.

6.3. Банкнинг барча турдаги акциялари номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўмни ташкил этади.

6.4. Акцияларнинг чиқарилиш шакли – ҳужжатсиз.

6.5. Банк Устав капитали 30 000 000 000 (ўттиз миллиард) сўмдан иборат бўлиб, 6 000 000 (олти миллион) дона миқдоридаги оддий эгаси ёзилган акцияларга бўлинган. Бунда хорижий инвесторнинг улуши банк устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

6.6. Банк Устав капиталини кўпайтириш учун чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори 10 000 000 000 (ўн миллиард) сўмни ташкил этади ва 2000000 (икки миллион) дона миқдоридаги оддий эгаси ёзилган акциялардан иборат бўлади.

6.7. Акцияларни жойлаштириш эълон қилинган акциялар миқдори доирасида, устав капиталидаги улушига пропорционал равишда Банк акциядорлари орасида ёпик жойлаштириш йўли билан, Банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига кўра амалга оширилади.

6.8. Банк акциялари қийматининг уларнинг жойлаштирилиши вақтида тўланиши фақат пул маблағлари билан амалга оширилиши мумкин.

6.9. Бир ёки бир нечта битим натижасида юридик ёки жисмоний шахс ёхуд бири бири билан битим орқали боғланган ёинки бир-бирларининг мол-мулкларини назорат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар гуруҳи томонидан Банк акцияларининг 5 (беш) фоизидан кўпроқ қисми харид қилиниши хабардор этишни, 20 (йигирма) фоизидан кўпроқ қисми харид қилиниши эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан розилиги олинишини талаб қилади.

6.10. Қуйидаги шахслар Банк акцияларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан розилигини олишлари шарт:

акциялари (иштирокчиларнинг ҳиссалари) эллик фоизидан кўпроғи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари эгалигида, фойдаланувида ёки тасарруфида бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

6.11. Оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган юридик шахслар – норезидентлар ва оффшор ҳудудларда истиқомат қилувчи хорижий фуқаролар Банк акциядорлари бўла олмайдилар.

6.12. Банк Устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Банк Устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Банк Уставига тегишли ўзгартишларни киритиш ҳақидаги қарор Банк Кенгаши томонидан қабул қилинади.

Банк Устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб этилган инвестициялар, банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.13. Банк Устав капиталининг камайтирилиши акцияларнинг умумий миқдорини қисқартириш, жумладан, Банк томонидан акциялар бир қисмининг харид қилиниши ва кейинчалик уларнинг бекор қилиниши йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Агар Устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонунчилик томонидан тижорат банки устав капиталига нисбатан белгиланган минимал миқдордан камайиб кетса, Банк Устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

Банк Устав капиталини камайтириш ва Банк Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.14. Банк акцияларнинг очик ва ёпиқ обуна орқали жойлаштирилишини амалга оширишга ҳақли.

Қонунчилик талабларини инобатга олган ҳолда Банк ўзи чиқараётган акцияларга очик обунани оммавий жойлаштириш йўли билан амалга оширишга ҳақли. Акцияларга очик обуна беистисно равишда қимматли қоғозларнинг биржа ва ташкилланган биржадан ташқари бозорида амалга оширилади.

Банк ўзи чиқараётган акцияларга ёпиқ обунани хусусий жойлаштириш йўли билан амалга оширишга ҳақли.

Банк томонидан акцияларнинг жойлаштирилиш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим.

6.15. Банк устав фондининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этади. Банкнинг захира фонди соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори соф фойданинг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Банкнинг захира фонди унинг зарарларини қоплаш, Банк корпоратив облигацияларини сўндириш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда Банк акцияларини қайтариб сотиб олиш учун сарфлашга мўлжалланган.

Захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

6.16. Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ва ички хужжатлар билан белгиланган тартибда кредитлар, лизинг, бошқа активлар ва балансдан ташқари мажбуриятлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга захираларни шакллантиради. Захираларга ажратмалар жорий харажатларга ўтказилади.

6.17. Банк акциядорлари умумий йиғилиши Банк фойдасидан бошқа фондлар ва тегишли ажратмаларни яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ фойдани ишлатиш ҳақида қарорлар қабул қилиши мумкин.

7. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

7.1. Оддий акция унинг эгасига, мазкур Уставда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, Банк акциядорларининг умумий йиғилишида барча масалалар бўйича унинг “бир акция – бир овоз” тамойили бўйича ваколатлари доирасида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш, шунингдек, дивидендлар олиш, банк тугатилган тақдирда эса унга тегишли улушга мувофиқ Банк мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқини беради.

7.2. Ҳар бир акциядор куйидаги чекланмаган ҳуқуқларга эга:

Банк акциядорлари реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисобрақамидан ўзига тегишли кўчирмалар олиш;

Банк фойдасининг бир қисмини дивиденд сифатида олиш;

Банк тугатилган тақдирда мол-мулкнинг бир қисмини унга тегишли улушга мувофиқ ҳолда олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда қатнашиш;

Банк Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган доирада Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ҳақида тўлиқ ва ҳаққоний ахборот олиш;

олинган дивидендларни эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи, шунингдек, судда ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарларни ундиришни белгиланган тартибда талаб қилиш;

акцияларни сотиб олишда эҳтимолий зарарлар ёки фойданинг бир қисмини йўқотишлар билан боғлиқ хатарларни суғурталаш;

ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ҳамда бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш.

Шу билан бирга, 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларига Кузатов Кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

Акциядорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши Банк бошқа акциядорларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказмаслиги лозим.

Акцияларни бировнинг ихтиёрига ўтказишга чеклов ўрнатиш акциядор – шу акцияларнинг эгасини амалдаги қонунчилик билан ўрнатилган тартибда Банк бошқарувида қатнашиш ва улар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

7.3. Акциядорлар реестрига киритилган шахс Банк акциядори ҳисобланади.

Акциядор акциялар билан боғлиқ ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи инвестицион воситачини у ёки бу тегишли ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши лозим. Ўзига тегишли маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида хабардор қилинмаган тақдирда Марказий депозитарий ва акциядорнинг акцияларига бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи инвестицион воситачи бу билан боғлиқ ҳолда акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайдилар.

7.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни сотиб олувчига унинг депо ҳисобрақами бўйича тегишли кирим ёзуви киритилган вақтдан бошлаб белгиланган тартибда ўтади ва қонунчиликда ўрнатилган тартибда депозитарий томонидан тақдим этиладиган депо ҳисобрақамидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни сотиб олган шахсга акцияга бўлган ҳуқуқлар ўтган вақтдан бошлаб ўтади.

Депо ҳисобрақамидан кўчирма акциядорнинг акцияларга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, депозитарий томонидан бериладиган ҳужжат ҳисобланади.

7.5. Акциядорнинг Банк акциядорлари умумий йиғилишидаги иштироки, унинг дивидендлар олиши ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларидан фойдаланиши муайян санага шакллантирилган Банк акциядорлари реестри асосида амалга оширилади.

8. ФОЙДА ВА ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ

8.1. Солиқлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар амалга ошириб бўлингач Банк фойдаси амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилиши лозим.

8.2. Фойданинг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисми дивиденд ҳисобланади.

Дивидендлар Банк тасарруфида қоладиган соф фойда ёки ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Банк Акциядорлари умумий йиғилиши қарорига кўра дивидендлар пул маблағлари ёки тўловнинг бошқа қонуний воситалари ёхуд Банк қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Дивидендлар акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг миқдори ва турига мутаносиб равишда уларнинг тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда тақсимланади.

8.3. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги ёки молиявий йил натижаларига кўра, агар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида ўзгача тартиб ўрнатилган бўлмаса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивиденд тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

8.4. Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги натижалари бўйича дивидендлар тўлаш ҳақидаги қарори тегишли давр туганидан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендлар тўлаш, дивиденд миқдори, шакли ва унинг ҳар бир турдаги акциялар бўйича тўланиш тартиби ҳақидаги қарор Банк Кенгаши тавсиялари, ҳаққонийлиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган ҳолда молиявий ҳисоботлар маълумотлари асосида Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендлар миқдори Банк Кенгаши тавсия этганидан кўпроқ бўлиши мумкин эмас.

Дивидендлар тўлаш ҳақидаги қарорда дивидендларни тўлаш бошланиши ва тугатилиши саналари кўрсатилган бўлиши лозим.

8.5. Дивидендлар эълон қилиниши ҳақида қарор қабул қилинган Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида рўйхатга олинган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эгалар.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинганидан бошлаб 60 (олтмиш) кундан кеч бўлиши мумкин эмас.

8.6. Банк тўланадиган дивидендларнинг миқдори ҳақидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли орган ва Банкнинг расмий веб-сайтларида қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилади.

8.7. Банк дивидендларнинг миқдорини солиқларни ҳисобга олмаган ҳолда эълон қилади. Дивидендлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиққа тортилади.

Эгаси ёки қонуний вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан Банк тасарруфида қолдирилади.

8.8. Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлмиш акциядорнинг ёзма талаби бўйича Банк унга ҳисобланган дивидендларни эркин алмаштириладиган валютага айирбошлаши ва норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобрақамига ўтказиши лозим.

Айирбошлаш учун асос бўлиб, Банк томонидан тасдиқланган Банк акциядорлари реестридан кўчирма ва банк бухгалтериясининг ҳисобланган дивидендлар ҳамда уларнинг ҳисобланганлик санаси тўғрисидаги маълумотномаси хизмат қилади.

9. БАНКНИ БОШҚАРИШ

9.1. Қуйидагилар Банк бошқаруви органлари ҳисобланади:

Банк акциядорлари умумий йиғилиши;

Банк Кенгаши;

Банк Бошқаруви.

Кенгаш ва Бошқарув Банк фаолиятига уларга Банк Устави, Банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан берилган ваколатлар доирасида раҳбарлик қилади.

9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банк бошқарувининг олий органи ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши функциялари ва ваколатлари амалдаги қонунчилик ҳамда Банк Устави билан тартибга солинади.

9.3. Банк ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказди (Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши).

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молиявий йил тугаганидан кейин кечи билан 5 (беш) ой ичида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишлари ўтказилиши мумкин.

9.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатлари доирасига қуйидагилар тааллуқли:

9.4.1. Банк Уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Банк Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш;

9.4.2. Банкни қайта ташкил этиш, жумладан, қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш;

9.4.3. Банкни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш молиявий ҳисоботини тасдиқлаш;

9.4.4. Банк Кенгашининг сон таркибини белгилаш, Кенгаш ва Банк миноритар акциядорлари қўмитаси аъзолари сонидан ўзгариш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

9.4.5. Банкни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган устувор стратегик йўналишларини белгилаш;

9.4.6. Банкнинг эълон қилинган акциялари чегаравий миқдорини белгилаш;

9.4.7. Банк Устав капиталини камайтириш;

9.4.8. ўз акцияларини сотиб олиш;

9.4.9. Банк ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

9.4.10. Банк тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

9.4.11. Банк Кенгаши томонидан танлов асосида тайинланган Банк Бошқаруви Раисини тасдиқлаш ва тегишли ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

9.4.12. Банк молиявий ҳисоботларини, жумладан, йиллик ҳисоботлар, бухгалтерия баланслари, Банк фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

9.4.13. Жорий йил фойдаси ва ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш тартибини тасдиқлаш, Банк фойдаси ҳисобига фондларни шакллантириш, Банк барча

турдаги акциялари бўйича дивиденд миқдорини ва дивидендларни тўлаш тартибини тасдиқлаш, бирор бир дивидендларни эълон қилиш ёки тўлаш, мазкур Устав ёки Банкнинг Дивиденд сиёсати талабларига мос келмайдиган бирор бир акцияларни тақсимлаш ёки қайтариб сотиб олиш;

9.4.14. Ваколатлари сирасига кирувчи масалалар, шу жумладан, Банкни бошқариш бўйича қонунчилик билан ўрнатилган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кенгаши ҳисоботлари ва Банк тафтиш комиссияси ҳулосаларини тинглаш;

9.4.15. Акцияларни жамлаш, қисмларга ажратиш ёки айирбошлаш;

9.4.16. Банк акциялари котировкасини халқаро фонд бозорларида (Республика фонд биржасидан ташқари) листинг қилиш, жойлаштириш ёки де-листинг қилиш;

9.4.17. Акциядорнинг Банк акциялари ва қимматли қоғозларини сотиб олиш учун қонунда назарда тутилган имтиёзли ҳуқуқи қўлланилмаслиги ҳақида қарор қабул қилиш;

9.4.18. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

9.4.19. Банк Кенгаши аъзолари ва Банк Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларни белгилаш;

9.4.20. Банк томонидан аффилиланган шахс билан миқдори битим ҳақида қарор қабул қилинган санага Банк соф активлари 5 (беш) фоиздан ортиқ бўлган ёки стандарт тижорат шартларига асосланмаган бирор бир шартнома ёки келишув (оғзаки ёки ёзма шаклда) мазкур Устав 9.15.21 бандига мувофиқ Банк Кенгаши томонидан олдиндан тасдиқланганидан сўнггина имзоланиши;

9.4.21. Банк томонидан қиймати шундай қарор қабул қилинган санага Банк соф активлари қийматининг 50 (эллик) фоиздан ортиқ қисмини ташкил этувчи активлар сотиб олиниши ва бирорнинг ихтиёрига ўтказилиши билан боғлиқ йирик битимлар тузилишини тасдиқлаш;

9.4.22. Банкнинг одатий банк фаолияти жараёнида тузиладиган битимлардан ташқари, миқдори бир ёки ўзаро боғлиқ бир неча битимлар давомида 1 000 000 (бир миллион) АҚШ доллари (ёки сўмдаги эквиваленти)ни ташкил этувчи бирор бир мажбуриятга киришиш ёки бирор бир қарздорликнинг вужудга келишини тасдиқлаш, шу шарт биланки, бундай киришиш ёки вужудга келиш мазкур Уставнинг 9.15.29 бандига биноан аввал Банк Кенгаши томонидан маъқулланган бўлиши лозим;

9.4.23. бирор бир кредитлар берилишини тасдиқлаш, Банкнинг одатий банк фаолияти жараёнида бериладиган кредитлар бундан мустасно, ва ўтган йиллар тажрибасига асосан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ балансдан ташқари ҳисобрақамлардан кредит ёки қарзнинг буткул ўчириб юборилишини амалга ошириш;

9.4.24. Қонунчилик ва Банк Уставида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

9.5. Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Кенгаши ва Банк Бошқарувига топширилиши мумкин эмас.

9.6. Акциядорларга умумий йиғилиш ўтказиш санаси, вақти ва жойи, Банк акциядорлари реестри шакллантирилиши санасини кўрсатган ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида маълум қилиниши тегишли маълумотнинг Банк расмий веб-сайти, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, шунингдек, акциядорларга электрон почта орқали ёзма хабарнома юборилиши йўли билан, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши санасидан кечи билан 7 (етти) кун олдин, бироқ энг эртаси билан 30 (ўттиз) кун олдин, Банк Кенгаши қарори билан

белгиланган санага шакллантирилган Банк акциядорлари реестри асосида амалга оширилади.

Кун тартиби ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилиш учун таклиф этилган масалалар баёнидан иборат материаллар Банк томонидан акциядорларнинг ҳар бирига Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги хабар юборилиши билан бир вақтда тарқатилиши лозим.

Лозим тарзда чақирилган ва ўтказилган Акциядорлар умумий йиғилишида билдиришномада кўрсатилганларидан ташқари ҳеч қандай масалалар барча акциядорларнинг олдиндан ёзма розилигисиз муҳокама қилиниши ва тузилиши мумкин эмас.

Кенгаш аудиторлик текширувидан ўтган молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ва қабул қилиш учун ўтказилаётган Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санасидан камида 10 (ўн) календарь кун олдин барча акциядорларга ўтган молиявий йил учун молиявий ҳисоботларни тақдим этиши лозим.

9.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши санасидан 3 (уч) иш куни олдин шакллантирилган Банк акциядорлари реестрига киритилган акциядорлар Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Акциядорнинг талабига кўра Банк акциядорнинг Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрига киритилгани ҳақидаги маълумотни унга тақдим этиши лозим.

Банк акциядорлари реестрига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди, кўрсатилган реестрга у шакллантирилган санада киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ёки уни шакллантириш чоғида йўл қўйилган хатоларни тузатиш ҳоллари бундан мустасно.

9.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатга олиш тугаши вақтига Банкнинг чиқарилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акциялари жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши қонуний (кворумга эга) ҳисобланади.

9.9. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун ҳаққоний кворум мавжуд бўлмаган тақдирда Акциядорлар умумий йиғилишини янгидан ўтказиш санаси ва жойи эълон қилинади. Акциядорлар умумий йиғилиши янгидан ўтказилганда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Акциядорлар умумий йиғилишини янгидан ўтказиш санаси худди шу вақт ва жойга, камида 11 (ўн бир) кунга, бироқ кечиктирилган вақтдан эътиборан кечи билан 20 (йигирма) кунга қолдирилиши лозим.

Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига чақирилган янги Акциядорлар умумий йиғилиши, агар унда иштирок этиш учун рўйхатга олиш тугаши вақтига Банкнинг чиқарилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акциялари жами 40 (қирқ) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, қонуний ҳисобланади.

9.10. Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан ҳам шахсан, ҳам ўз вакили орқали амалга оширилади.

Акциядорлар умумий йиғилишида акциядорнинг вакили ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида ҳаракат қилади. Овоз бериш учун ишончномада вакил ва унинг номидан ишонч билдирилган юридик (жисмоний) шахс ҳақидаги маълумотларни бўлиши

лозим (Юридик шахсинг номи ва жойлашган жойи (почта манзили), жисмоний шахсинг исми ёки номи, яшаш манзили ёки жойлашган жойи, паспорт маълумотлари).

Жисмоний шахс номидан овоз бериш учун ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши лозим.

Юридик шахс номидан овоз бериш учун ишончнома қонунчиликда белгиланган тартибда берилади.

Акциядорлар ўзининг вакилини ўзи хоҳлаган вақтда алмаштиришга ёки Акциядорлар умумий йиғилишида шахсан иштирок этишга ҳақли.

Акциядорлар умумий йиғилишини Банк Кенгаши Раиси, у узрли сабабларга кўра иштирок этмаётган ҳолларда эса Банк Кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

9.11. Овозга қўйилган масала бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши қарори Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган, овоз берувчи акциялар эгалари бўлмиш акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Мазкур Уставнинг 9.4.1-9.4.3, 9.4.6, 9.4.13, 9.4.20, 9.4.21 хатбошиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган, овоз берувчи акциялар эгалари бўлмиш акциядорлар 75 (етмиш беш) фоизининг квалификацияланган кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

Банк Кенгаши аъзолигига сайловлар кумулятив овоз бериш асосида ўтказилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши йиғилиш кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилиш, шунингдек, кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

9.12. Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси икки нусхада, Акциядорлар умумий йиғилиши ёпилганидан кейин кечи билан 10 (ўн) кун ичида тузилади. Ҳар иккала нусха Умумий йиғилишга раислик қилувчи ва Умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилиши баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санаси, вақти ва жойи;
- Банк овоз берувчи акциялари эгалари бўлмиш акциядорлар эгалик қилувчи овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар эгалик қилувчи овозларнинг сони;
- умумий йиғилиш раиси ва котиби, йиғилиш кун тартиби.

Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси нутқларнинг асосий моҳияти, овоз беришга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш натижалари, йиғилиш қабул қилган қарорларни ўз ичига олиши лозим.

9.13. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кенгаши қарорига биноан унинг ўз ташаббусига асосан, Банк Тафтиш комиссияси, шунингдек, талаб тақдим этилаётган санага Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг ёзма талаби билан ўтказилади.

Банк Тафтиш комиссияси ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) томонидан Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб тақдим этилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун ичида Банк Кенгаши томонидан Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиши ёки уни чақириш рад этилиши ҳақида қарор қабул қилиниши лозим.

Агар белгиланган вақт давомида Банк Кенгаши томонидан Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳақида қарор қабул қилинмаган ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши унинг чақирилишини талаб қилаётган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бу ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан Банк маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

9.14. Овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) молия йили тугаганидан кейин (60) олтмиш кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Кузатув Кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Кузатув Кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатиغا акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли. Банк Кенгаши келиб тушган таклифларни кўриб чиқиши ва мазкур банднинг биринчи ва иккинчи қисмида белгиланган муддат тугаганидан сўнг кечи билан 10 (ўн) кун ичида уларни Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ёки кўрсатилган кун тартибига киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Банк бошқарув органлари фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

9.15. Банк Кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва мазкур Устав билан Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно. Банк Кенгаши ваколатларига қуйидагилар киради:

9.15.1. Банк фаолияти устувор йўналишларини белгилаш;

9.15.2. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 65-моддаси назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, жумладан, Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санаси, вақти ва жойини белгилаш;

9.15.3. Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;

9.15.4. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар бериш учун Банк акциядорлари реестри шакллантирилиши санасини белгилаш;

9.15.5. Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун Банк акциядорлари реестри шакллантирилиши санасини белгилаш;

9.15.6. Акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига Банк Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банк Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни киритиш;

9.15.7. Банк мол-мулкнинг бозор қиймати белгиланишини ташкиллаштириш;

9.15.8. кейинчалик номзод Акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланиши учун танловли саралаш асосида Банк Бошқаруви раисини тайинлаш;

9.15.9. Банк Бошқаруви аъзоларини тайинлаш ва тасдиқлаш (Бошқарув Раисидан ташқари), уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;

9.15.10. Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорини белгилаш;

9.15.11. корпоратив котибни тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

9.15.12. кейинги йилга мўлжалланган йиллик бизнес-режани кечи билан жорий йилнинг 1 декабригача маъқуллаш ва тасдиқлаш;

9.15.13. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек, ҳар чоракда унинг ҳисоботларини тинглаш;

9.15.14. Банк Бошқаруви фаолиятига тегишли ҳар қандай ҳужжатлар билан эркин танишиш ва Банк Кенгашига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни Бошқарувдан олиш. Олинган ҳужжатлар Банк Кенгаши ва унинг аъзолари томонидан фақатгина хизмат мақсадларида фойдаланилиши мумкин;

9.15.15. Банк акциядорлари умумий йиғилишига аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг чегаравий миқдори белгилаш ҳақида тавсиялар бериш;

9.15.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишига Банк Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари бўйича тавсиялар бериш;

9.15.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишига акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби, жумладан, Акциядорларнинг умумий йиғилишига бирор бир дивиденд тўлаш, Банк Устави ёки Дивиденд сиёсати талабларига мос келмайдиган бирор бир акцияларни тақсимлаш ёки сотиб олиш юзасидан тавсиялар бериш, Банк ходимларига тақдим этилган, опцион келишувларга мувофиқ Банк акцияларини қайта сотиб олиш бундан мустасно;

9.15.18. Банкнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

9.15.19. филиалларни ташкил этиш, Банкнинг ваколатхоналари, шўъба корхоналари, тобе корхоналари ёки аффилиланган компанияларини очиш ёхуд бирор бир қўшма корхонага кириш;

9.15.20. қиймати тегишли қарор қабул қилинган санага Банк соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизигача бўлган қисмини ташкил этадиган активларни бировнинг ихтиёрига ўтказиш ёки шу ҳақдаги келишув тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

9.15.21. Банкнинг аффилиланган шахслари билан кейинчалик Акциядорларнинг умумий йиғилишига якуний тасдиқлаш учун тақдим этишни кўзлаб қиймати Банк соф активлари миқдорининг 5 (беш) фоизидан ортиқ бўлган ёки шартлари стандарт тижорат шартларига мос келмайдиган бирор бир битимлар ёки шартномаларни тузиш;

9.15.22. қонунчиликда белгиланган тартибда Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларидаги иштироки билан боғлиқ битимларни тузиш;

9.15.23. бўлинмаларнинг функционал схемасини кўриб чиқиш ва маъқуллаш;

9.15.24. Банк бошқарув органлари фаолияти тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

9.15.25. Банк Ички аудит департаменти тўғрисидаги Низомни ва Банк Ички аудит департаменти фаолиятини тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;

9.15.26. Банк ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

9.15.27. Акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида берилган кредитни узайтириш ёки кредитни ёхуд қарздорликни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ

Банк балансидан ташқари ҳисобрақамлардан бутунлай ўчириб юбориш масаласи бўйича қарор қабул қилиш масаласини Акциядорлар умумий йиғилишига овоз бериш учун чиқариш, одатий Банк фаолияти вақтида амалга ошириладиганлар бундан мустасно;

9.15.28. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ёки МҲХС ёхуд бухгалтерия ҳисобининг бошқа стандартларига мувофиқ талаб этиладиганларидан ташқари, Банкнинг асосий ҳисоб сиёсатларидаги бирор бир ўзгаришлар;

9.15.29. Банкнинг одатий банк фаолияти жараёнида тузиладиган битимлардан ташқари, миқдори бир ёки ўзаро боғлиқ бир неча битимлар давомида жами 1 000 000 (бир миллион) АҚШ доллари (ёки миллий валюта сўмдаги эквиваленти)дан кўпроқ, бирор бир мажбуриятга киришиш ёки бирор бир қарздорликнинг вужудга келишини олдиндан маъқуллаш ва кейинчалик яқуний тарзда тасдиқлаш учун Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиш;

9.15.30. бирор бир мунозарали масала бўйича муҳокамани бошлаш, ўтказиш ёки ҳал қилиш ёхуд бирор бир суд жараёнини очиш, Банкнинг одатий хўжалик фаолияти жараёнида вужудга келган масалалар бундан мустасно;

9.15.31. юқорида кўрсатилган масалалардан бирортасига тааллуқли битим, мажбурият ёки келишувга киришиш;

9.15.32. Банк Устав капиталини кўпайтириш, шунингдек, Банк Уставига унинг Устав капитали кўпайтирилиши ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш;

9.15.33. амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа ва ташкиллашган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

9.15.34. корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш бўйича қарор қабул қилиш;

9.15.35. ҳосилавий қимматли қоғозларни чиқариш бўйича қарор қабул қилиш;

9.15.36. Банк корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш бўйича қарор қабул қилиш;

9.15.37. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан Банк Кенгаши ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

9.16. Банк Кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқи фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда берилади.

9.17. Банк Кенгаши ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Бошқарувига берилиши мумкин эмас.

9.18. Банк Кенгаши 7 (етти) кишидан иборат таркибда сайланади ва камида биттаси мустақил аъзо мақомига эга бўлиши лозим. Банк Кенгаши аъзолари Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга, чексиз қайта сайланиш ҳуқуқи билан сайланади. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари Банк Кенгашига сайланишлари мумкин эмас. Банкда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ишлаётган шахслар Банк Кенгаши аъзолари бўлишлари мумкин эмас. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

9.19. Банк Кенгаши Раиси Банк Кенгаши аъзолари томонидан унинг таркибидан Кенгашнинг сайланган аъзолари умумий сони кўпчилик овози билан сайланади.

Банк Кенгаши Раиси Банк номидан Бошқарув Раисини ёллаш бўйича меҳнат шартномаси тузади, Кенгаш ишини ташкиллаштиради, Кенгаш йиғилишларини чақиради ва уларда раислик қилади, Кенгаш йиғилишларида баённома юритилишини ташкиллаштиради, Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади. Банк Кенгаши Раиси бўлмаган вақтда унинг функцияларини Банк Кенгаши аъзоларидан бири бажаради.

9.20. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили Банк Кенгаши Раисининг Банк Кенгаши ваколатига кирувчи масалалар, жумладан, Банкни бошқариш бўйича қонунчилик томонидан белгиланган талабларга риоя қилиниши юзасидан ҳисоботини тинглайди.

9.21. Банк Кенгаши йиғилиши унинг Раиси томонидан ўз ташаббусига кўра, Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси, Банк Бошқаруви аъзолари, Банк ички аудит хизмати бошлиғи, Банкнинг ташқи аудитори, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талаби билан чақиради.

Кун тартиби ва Кенгаш йиғилишида муҳокама қилиш учун таклиф этилган масалаларни батафсил баён қилувчи материаллар зарурий ахборот ва илова қилинадиган ҳужжатлар билан бирга Кенгаш аъзоларининг ҳар бирига тегишли йиғилиш санасидан кечи билан 10 (ўн) календарь куни олдин тарқатилиши лозим.

9.22. Банк Кенгаши ҳар чоракда камида бир мартаба чақиради. Банк Кенгаши йиғилишлари Тошкентда ёки Кенгаш томонидан асосли тарзда белгиланиши мумкин бўлган бошқа жойда ўтказилиши лозим.

Банк Кенгаши йиғилишида унинг ваколат доирасидаги масалалар бўйича қарорлар иштирок этувчиларнинг 50 (эллик) фоизидан кўпроғи томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Кенгаш йиғилишида масалаларни ҳал қилишда Кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга.

Банк Кенгаши бир аъзоси томонидан овознинг Банк Кенгаши бошқа бир аъзосига берилишига йўл қўйилмайди.

Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар Банк Кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади:

Устав фондиди кўпайтириш, шунингдек, Банк Уставига тегишли ўзгартишларни киритиш;

йирик битимларни тузиш;

аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш;

Банк томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш;

Ўзбекистон Республикасидаги стандарт банк фаолияти доирасидан четга чиқувчи бирор бир инвестицион, бизнес ёки савдо фаолиятида иштирок этиш.

Банк Кенгашини ўтказиш учун кворум Кенгаш сайланган аъзолари сонининг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Лозим тарзда чақирилган Кенгаш йиғилишида белгиланган кворум тўпланмаган тақдирда Банк Кенгаши Раиси йиғилишнинг янги санасини худди ўша вақтга ва худди ўша жойга, бироқ кўчирилган йиғилиш санасидан энг эртаси 10 (ўн) кундан кейин ва энг кечи билан 20 (йигирма) кундан кейинги муддатга тайинлайди. Мазкур бандда келтирилган кворум талаблари кўчирилган Кенгаш йиғилишларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Кенгаш аъзолари сони мазкур Уставда назарда тутилган миқдорнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда Банк Кенгашининг янги таркибини

сайлаш учун Банк Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради. Банк Кенгашининг қолган аъзолари Акциядорларнинг ана шундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидагина қарор қабул қилиш, шунингдек, Банк Бошқаруви Раиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда унинг мажбуриятларини вақтинчалик бажарувчини тайинлашгагина ҳақли.

9.23. Банк Кенгаши аъзолари Банк Кенгаши йиғилишида шахсан иштирок этиш, йиғилишда муҳокама этилаётган масала бўйича сўзга чиқиш, Банк фаолияти натижалари, уни ривожлантириш режалари тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний маълумот олиш, Банк Кенгашида ишлаганлик учун муайян ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир Кенгаш аъзосига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдори Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Кенгаш аъзолари ўртасида функцияларнинг тақсимланиши Кенгаш Раиси томонидан Кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ тарзда амалга оширилади.

Агар Кенгаш аъзоси аффилиланган шахс билан тузиладиган битимда томонлардан бири бўлса, у ҳолда битим ҳақидаги қарор Кенгашнинг бундай манфаатдорликка эга бўлмаган аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим.

Банк Кенгаши аъзоси, худди Банкнинг ҳар қандай бошқа аффилиланган шахси каби, муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва Банк Кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бу битим бўйича қарор қабул қилинишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

9.24. Банк Кенгаши аъзолари Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ, шунингдек, Банк Кенгашини олдиндан хабардор этган ҳолда ўз хоҳишлари билан Банк Кенгаши таркибидан чиқишлари мумкин.

9.25. Банк Кенгаши, ўзи маъқул деб топса, Банк Кенгаши аъзолари ичидан ёки бошқа шахслар ҳисобидан кўмиталар тузиши мумкин, шу жумладан корпоратив бошқарув, ходимлар ва ҳақ тўлаш бўйича кўмита; стратегик режалаштириш ва хатарлар бўйича кўмита, аудит бўйича кўмита, шунингдек, зарур ҳолларда бошқа кўмиталар. Кўмиталар фаолияти кўмиталар тўғрисида алоҳида тасдиқланган низомлар ва тегишли қонунчилик билан тартибга солинади.

9.26. Банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи – Банк Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

Банк Бошқаруви 5 (беш) кишидан иборат. Банк Бошқаруви таркибига Бошқарув Раиси, Бошқарув Раиси ўринбосарлари, бош бухгалтер, Юридик хизмат бошқармаси бошлиғи, шунингдек, Банкнинг асосий департаментлари директорлари киради.

Бошқарув Раиси Банк Кенгаши тавсиясига кўра танловли саралаш асосида тайинланади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишган ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади. Бошқарув аъзолари Банк Бошқаруви Раиси тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишган ҳолда Банк Кенгаши томонидан тайинланадилар.

9.27. Банк Бошқаруви йиғилишлари заруратга кўра, бироқ бир ойда камида бир маротаба ўтказилади.

Банк Бошқаруви йиғилишларини Банк Бошқаруви Раиси ёки кўриладиган масалалар мавзусидан келиб чиқиб унинг ўринбосарларидан бири ўтказади.

9.28. Банк Бошқаруви:

Банк жорий фаолиятини ташкиллаштиради ва раҳбарлигини амалга оширади, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк Кенгаши қарорлари ижросини таъминлайди;

Уставга биноан Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк Кенгаши томонидан кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларни олдиндан кўриб чиқади ва улар бўйича тегишли материаллар, таклифлар ҳамда мазкур масалалар юзасидан қарор лойиҳаларини тайёрлайди;

Банк тузилмавий бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари фаолиятини ташкиллаштиради;

Банк Устави ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Банк томонидан хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилинишини ташкиллаштиради;

Банк бюджетига мувофиқ ҳомийлик ва хайрия фаолияти учун маблағларни ажратиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

Банк операциялари, ҳисоби, ҳисоботлари, ички назоратни ўтказилиши, банклараро шартномалар тузилиши ва Банк фаолияти билан боғлиқ бошқа асосий масалаларни ҳал этади;

Банк фаолияти масалалари бўйича, жумладан, битимларни имзолаш ва расмийлаштириш тартиби, хат-хабарлар ва ҳужжатлар тўғрисидаги ички ҳужжатларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди (низомлар, тартиблар, қоидалар, услубий йўриқномалар, тарифлар ва ҳ.к.), тасдиқланиши Банк Устави ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан Умумий йиғилиш ва Банк Кенгаши ваколатига киритилган ички ҳужжатлар бундан мустасно;

Банк ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя этилишини назорат қилади;

ўз ваколатлари доирасида ходимларни танлаш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш масалаларини ҳал этади;

Банк мажбуриятларини бериш, пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва хат-хабарларни имзолашнинг умумий шартлари ва тартибини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида банк фаолияти учун зарур мол-мулкни харид қилиш ва бировнинг ихтиёрига ўтказиш масалаларини ҳал қилади;

Банк тузилмавий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

ўз ваколатлари доирасида берилган кредитларнинг муддатини узайтириш, шунингдек, кредитлар ва бошқа активларни баланс ташқарисига чиқариш масалаларини кўриб чиқади, жумладан, Банк Кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига чиқариш учун кредитларни балансдан ташқари ҳисобрақамлардан бутунлай ўчириб юбориш учун таклифларни тайёрлайди;

қиймати тегишли қарор қабул қилинаётган санада Банк соф активларининг 15 (ўн беш) фоизидан кам миқдорни ташкил этувчи Банк активларини харид қилиш ва бировнинг ихтиёрига ўтказиш билан боғлиқ битимларни тузади;

Банк фаолиятини оптималлаштириш учун ўз ваколатлари доирасида кўмиталар тузади;

Банк жорий фаолиятининг бошқа масалаларини кўриб чиқади ва ҳал қилади, Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк Кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.29. Агар йиғилишларда узрли сабабларга кўра қатнашмаётганларни истисно этганда Бошқарув аъзоларининг камида 75 (етмиш беш) фоизи иштирок этаётган бўлса, Банк Бошқаруви муҳокама учун чиқарилган масалаларни ҳал қилишга ҳақли. Қарорлар

кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолганда Бошқарув Раиси овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Банк Бошқаруви йиғилишларини ўтказиш Бошқарув Раиси томонидан ташкиллаштирилади ва у Банк Бошқаруви йиғилишларининг барча ҳужжатлари ва баённомаларини имзолайди.

9.30. Банк Бошқаруви Раиси Банк Кенгаши томонидан танловли саралаш асосида тайинланади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Бошқарув Раиси Банкнинг жорий фаолияти устидан раҳбарлик қилади, Банк Кенгаши рухсати билан Банк Кенгаши ишида маслаҳат овози билан иштирок этади, Банкнинг мансабдор шахси ҳисобланади ва Банкка юклатилган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

9.31. Банк Бошқаруви Раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Банк номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш, бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда Банк манфаатларини ифода этиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва берилган ваколатларга мувофиқ Банкнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этиш;

шартномалар ва контрактлар, жумладан, меҳнат шартномалари тузиш;

ишончномалар бериш;

барча бўйсунувчи ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқ ва кўрсатмалар чиқариш;

ходимлар штатини тасдиқлаш ва унга ҳамда тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Банк мансабдор шахсларини тайинлаш ва бўшатиш, шунингдек, ўрناق кўрсатган ходимларни рағбатлантириш, меҳнат мажбуриятларини бузганлик учун интизомий чоралар кўриш;

ўз ўринбосарлари ва тузилмавий бўлинмалар раҳбарларининг уларга топширилган йўналишларда ишларнинг ҳолати учун жавобгарлиги даражасини белгилаш;

Банк Бошқаруви Раиси билан тузилган меҳнат шартномасида кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

10. БАНКНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИ

10.1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрирда) ва Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари Банк бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг асоси ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни тартибга солиш қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

10.2. Банкнинг молиявий ҳолати ва фаолияти натижаси ҳар ойлик, ҳар чораклик ва йиллик баланс ҳисоботларида, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка тақдим этиладиган йиллик ҳисоботда акс эттирилади.

Банкнинг молиявий ҳисоботи, жумладан, йиллик баланс ҳисоботи ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Банк ўзининг молиявий ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган шакл ва муддатларда, уларда тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланганидан сўнг нашр этади.

Банк молиявий ҳисоботларининг ҳисобот даври 1 январдан бошланиб, 31 декабрда тугайдиган календарь йили ҳисобланади.

Бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни тузишдан мақсад омонатчилар ва акциядорларни тўлиқ, ҳаққоний, ўз вақтида тақдим этиладиган молиявий ва бухгалтерия маълумотлари билан таъминлашдан иборат.

10.3. Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бухгалтерия ҳисоби ҳисобрақамларида активлар ҳолати ва ҳаракати, мулк хуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ва ҳаққоний маълумотларни шакллантириш;

самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш.

Банкда бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларнинг ташкиллаштирилиши, ҳолати ва ҳаққонийлиги, шунингдек, Банк фаолияти ҳақида акциядорлар ва оммавий ахборот воситаларида тақдим этиладиган маълумотлар учун жавобгарлик амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк Бошқаруви зиммасидадир.

11. ФАОЛИЯТ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, АХБОРОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ

11.1. Фаолият очиқлигини таъминлаш мақсадида Банк:

ахборотларни махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар тоифасига киритишнинг аниқ мезонларини белгилайди;

ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларнинг Банк сайти ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбаларда инглиз, рус ва акциядор ҳамда бошқа манфаатдор томонларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга қулай бўлган бошқа тилларга таржимаси билан биргаликда эълон қилинишини таъминлайди;

акциядорларнинг умумий йиғилишида Банк бошқарувида тўланаётган мукофот ва компенсациялар миқдорини ошкор этади;

Банк сайтида Банк Бошқаруви ва унинг фаолияти самарадорлиги баҳоси, акциядорлик капитали таркиби (20 фоиздан зиёд акцияга эга акциядорлари) тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

тақсимлашга таклиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг Банк дивиденд сиёсатида мувофиқлигининг баҳоланиши, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини Банкни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланишини эълон қилади;

акциядорлар талабига кўра уч банк иш қунидан ошмаган муддат ичида акциядорлар ва инвесторларга зарур бўлган муайян (махфий ва тижорат сирли бўлган ахборотлардан ташқари) ахборотларни тақдим этади.

11.2. Банк ахборотларни қимматли қоғозлар эмиссия рисоласида, йилнинг ҳар чорагидаги ва йиллик ҳисоботида, фаолиятдаги муҳим фактлар тўғрисидаги хабарларда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Банкнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали ҳам ошкор қилади.

12. БАНК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ

12.1. Банк жорий фаолияти ҳамда Банк томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг миқдори ва мураккаблиги бўйича ички назоратнинг етарлилиги устидан назоратни Банк Кенгаши таъминлайди.

12.2. Банк Кенгаши Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талаблари ва Банк бошқарув органлари қарорларига мувофиқ фаолият юритувчи Ички аудит хизматини ташкил этади. Банк Кенгаши Ички аудит ва Ички назорат хизматлари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди.

Банк ички аудит хизмати ва Ички назорат хизматлари Банк Бошқаруви, Банк филиаллари ишини назорат қилиш ва баҳолашни улар томонидан қонунчилик, Банк Устави ҳамда Банкнинг бошқа меъёрий ҳужжатларига риоя этилишини текшириш ва мониторинг қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ва ҳаққоний акс этирилиши, хўжалик операцияларини амалга оширишда белгиланган қоидалар ва таомилларга риоя этилиши, активлар бут сақланиши, шунингдек, Банкни бошқариш бўйича қонунчиликда белгиланган талаблар бажарилишини таъминлаш йўли билан амалга оширади.

12.3. Банк молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат амалга оширилиши учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) кишидан иборат Тафтиш комиссияси 1 (бир) йил муддатга сайланади.

Банк Тафтиш комиссияси аъзоларига қўйиладиган малакавий талаблар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Бир шахснинг ўзи Банк Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч маротабадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Банк Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк Кенгаши аъзолари бўла олмайдилар, шунингдек, Банк бошқаруви органларида бошқа лавозимларни эгаллай олмайдилар.

12.4. Банк Тафтиш комиссияси фаолияти тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланади.

Банк молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бир йиллик ёки бошқа муддат ичидаги фаолият яқунлари бўйича Тафтиш комиссияси ташаббуси, Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк Кенгаши қарори ёки ҳаммаси бўлиб Банк овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядорларнинг талаби билан амалга оширилади.

12.5. Текширувларни ўтказиш чоғида Тафтиш комиссияси йиллик мустақил аудиторлик текшируви натижалари ва ички аудит хизмати материалларидан фойдаланади. Зарур ҳолларда Тафтиш комиссияси бирламчи бухгалтерлик ҳужжатларига мурожаат қилиши мумкин.

12.6. Тафтиш комиссияси Банк томонидан унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва бошқа ҳужжатларга риоя қилиниши, банк ички назоратини йўлга қўйилиши, Банк томонидан бир йил ичида амалга оширилган кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа операцияларини (ёппасига ёки танлаб текшириш орқали), касса ва мол-мулкнинг ҳолатини текширади.

12.7. Тафтиш комиссияси Банк молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича хулоса тузади ва унга қуйидагилар киритилиши лозим:

Банк ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларига киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш;

молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартиби, шунингдек, қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари ҳақидаги маълумот.

Тафтиш комиссияси Банк Кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши эътиборига ўтказилган тафтиш ҳақида ҳисобот тақдим этади, зарур ҳолларда бу ҳисоботга камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсияларни ҳам илова қилади, шунингдек, Банкнинг тасдиқлаш учун тақдим этган молиявий ҳисоботлари, жумладан, баланс ҳисоботи ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи Банкда ишларнинг ҳақиқий ҳолатига мослиги ҳақида хулоса тақдим этади ва уларни тасдиқлаш юзасидан тавсиялар беради.

12.8. Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Банк Кенгаши тавсиясига кўра Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

12.9. Банк ўз молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва тасдиқлаш учун ҳар йили Банк ёки унинг акциядорлари билан мулкӣ манфаатлар орқали боғланмаган мустақил аудиторлик компаниясини жалб этади. Аудиторлик компанияси хизматлари қийматининг энг кўп чегараси Банк Кенгаши тавсиясига кўра Банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Аудиторлик текширувлари аудиторларнинг қуйидагилар юзасидан объектив фикрини олиш мақсадида ўтказилади:

Банк молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлиги ҳамда уларнинг Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига мослиги;

ички назорат тизими ташкил этилганлиги ва ички назорат таомилларига риоя этилиши;

Банк томонидан банк қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига риоя этилиши;

Банк томонидан амалга ошириладиган операциялар, унинг молиявий фаолияти, бухгалтерия ҳисоби билан маъмурий назорат тизими ўртасидаги мутаносибликнинг самарадорлиги ва тўғрилиги.

12.10. Банкнинг навбатдан ташқари аудиторлик текшируви Устав капиталидаги улуши ҳаммаси бўлиб 5 (беш) фоиз ва ундан кўпроқ миқдорни ташкил этувчи акциядорларнинг талабига кўра, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда хоҳлаган вақтда ўтказилади. Аудиторлик текшируви ўтказилиши вақти, унинг иш регламентини уни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган орган белгилайди.

13. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

13.1. Банкни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилиши мумкин. Банкни қайта ташкил этиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтишини келтириб чиқаради.

Банкни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки розилиги билан Акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби амалдаги қонунчилик билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта ташкил этишга розилиги олинган тақдирда Банк 30 (ўттиз) кун ичида қутилаётган ўзгаришлар ҳақида ўзининг барча депозиторлари, мижозлари, корреспондентлари, қарз олувчилари ва кредиторларини бевосита билдириш ва тегишли эълоннинг оммавий ахборот воситаларида босилиши йўли билан хабардор қилади.

13.2. Банк қуйидаги ҳолларда тугатилади:

Акциядорлар умумий йиғилишининг Банк тугатилиши ҳақидаги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан лицензиянинг чақириб олиниши.

13.3. Банкнинг тугатилиши унинг фаолияти ҳуқуқ ва мажбуриятлар бошқа шахсларга ҳуқуқий ворислик тартибида ўтмаган ҳолда тўхтатилишини келтириб чиқаради.

13.4. Кўнгилли асосда тугатилган тақдирда Банк Кенгаши Банк акциядорларининг умумий йиғилишига тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақидаги масалани қарор қабул қилиш учун тақдим этади.

Банк кўнгилли асосда тугатилган ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилиши тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

13.5. Банк Ациядорлар умумий йиғилиши қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига кўнгилли асосда тугатиш учун рухсат беришни сўраб илтимоснома тақдим этиши лозим.

13.6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарорига кўра Банкнинг мажбурий равишда тугатилиши амалдаги қонунчиликда назарда тутилган асосларга кўра амалга оширилади.

13.7. Банк суд қарорига кўра тугатилган ҳолда тугатувчини тайинлаш Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

13.8. Юридик шахслар рўйхатга олиниши ҳақидаги маълумотлар эълон қилинадиган оммавий ахборот воситаларида тугатувчи Банкнинг тугатилиши, кредиторлар томонидан талаблар билдирилган аризалар тақдим этилиши тартиби ва муддатлари ҳақидаги хабарни жойлаштиради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши муддати Банк тугатилиши ҳақидаги хабар эълон қилинган кундан эътиборан икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

13.9. Банк тугатилиши ҳақидаги қарор қабул қилинган вақтда кредиторлар олдида мажбуриятлар мавжуд бўлмаган ҳолларда Банк мол-мулки акциядорлар ўртасида мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ тақсимланади.

13.10. Тугатувчи кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини талаб қилиб олиш бўйича чоралар кўради, шунингдек, кредиторларни Банк тугатилиши ҳақида ёзма тарзда хабардор қилади.

Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш муддати ўтгач тугатувчи тугатилаётган банкнинг мол-мулки таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар, шунингдек, уларнинг кўриб чиқилиши натижаларини ўз ичига олувчи оралиқ тугатиш балансини тузади. Оралиқ тугатиш баланси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

13.11. Агар банкда мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи Банкнинг бошқа мол-мулки оммавий савдолар орқали сотилишини амалга оширади.

Банк кредиторларига пул маблағларини тўлаш тугатувчи томонидан қонунчилик билан белгиланган навбат тартибида, оралиқ тугатиш балансига мувофиқ у тасдиқланган кундан бошлаб амалга оширилади.

13.12. Жисмоний шахслар ҳисобланмиш омонатчилар тугатишдан тушган маблағлар ҳисобига ўз омонатларини олиш вақтида устуворликка эгалар.

13.13. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ниҳоясига етгач, тугатувчи тугатиш баланси ва ҳисоботини тузади ва улар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

13.14. Кредиторларнинг талаблари қондирилганидан сўнг қолган мол-мулк Банк акциядорлари ўртасида қуйидаги навбатда тақсимланади:

биринчи навбатда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 40-моддасига мувофиқ қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

Банк мол-мулки оддий акциялар эгалари бўлмиш акциядорлар ўртасида тақсимланиши амалга оширилади.

Ҳар бир навбат мол-мулки тақсимоти бундан олдинги навбат мол-мулки тўлиқ тақсимланиб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

13.15. Тугатиш бўйича барча таомиллар ниҳоясига етказилгач тугатувчи қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда Банк қимматли қоғозларини муомаладан чиқариш ҳамда Банк қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилишини бекор қилиш бўйича зарур чораларни амалга оширади.

13.16. Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги банкларни рўйхатга олиш давлат китобидан чиқарилган вақтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

14. БАНКНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАРИ БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

14.1. Қуйидагилар банкнинг аффилланган шахслари ҳисобланадилар:

Банк акцияларининг йигирма ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи юридик шахс;

Банк акцияларининг йигирма ва ундан ортиқ фоизига бир ўзи ёки яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;

Банк Кенгаши аъзоси, Банк Бошқаруви Раиси ёки аъзоси ваколатларини амалга оширувчи шахс, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари;

устав капиталида Банкнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ миқдордаги улуши бор юридик шахс;

Банк устав капиталининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи айна бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

кузатув кенгаши таркибининг камида учдан бир қисмини ва айна пайтда Банк Кенгаши камида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахслар ёки уларнинг яқин қариндошларидан иборат юридик шахс;

ижроия органи раҳбари функциясини Банк Бошқаруви Раиси ёки аъзоси бўлмиш шахс ёки унинг яқин қариндошлари амалга оширадиган юридик шахс;

раҳбар ёки ижроия органи аъзоси функциясини яқин қариндошлари билан биргаликда Банк Кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс амалга оширадиган юридик шахс;

Банк кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи айна бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

Банк билан биргаликда бир хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс;

Банкнинг шуъба хўжалик жамияти бўлган ёки Банк ўша хўжалик жамиятининг шуъба корхонаси бўлган худди ўша жамиятнинг шуъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс.

14.2. Банкнинг аффилиланган шахси Банк билан операцияни амалга оширишда ўзининг аффилиланганлигини ва мўлжалланаётган битим ҳақидаги маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома юбориш йўли билан хабардор этиши лозим.

14.3. Мўлжалланаётган операция томонининг ёзма хабарномасида кўрсатилган Банкнинг аффилиланган шахси билан операция ҳақидаги ахборот Банк Бошқаруви ва Ички аудит хизмати томонидан ўрганилади. Мазкур ўрганиш ёзма хабарнома олинганидан кейин 3 (уч) иш куни ичида амалга оширилади. Мазкур битимни ўрганиш учун Бошқарув Раиси қарорига кўра қўшимча равишда Банкнинг бошқа ходимлари ҳам жалб қилиниши ҳам мумкин.

14.4. Аффилиланган шахс билан мўлжалланаётган операцияни ўрганиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади ва битимни ўрганишда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади. Баённомада битимнинг ҳуқуқий, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг Банк фаолиятига эҳтимолий таъсири назарда тутилиши лозим.

14.5. Банк Бошқаруви аффилиланган шахс билан мўлжалланаётган операцияни ўрганиш натижалари баённомасини илова қилган ҳолда Банк Кенгашини ёзма равишда хабардор этади.

Банк Кенгаши аффилиланган шахс билан операция ҳақидаги ахборотни ўрганади ва аффилиланган шахснинг ёзма хабарномаси Банкка келиб тушган санадан бошлаб кечи билан 15 (ўн беш) кун ичида операция бўйича қарор қабул қилади.

14.6. Банк Кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлган ҳолда битим тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартиб ва муддатларда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

14.7. Банкнинг аффилиланган шахси мазкур операция юзасидан Банк Кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қабул қилиши чоғида муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

14.8. Аффилиланган шахс билан операцияни маъқуллаш тўғрисидаги қарор Банк Кенгашининг йиғилишда иштирок этаётган аъзолари томонидан бир овоздан ёки Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар квалификацияланган кўпчилик овози билан қабул қилинади.

14.9. Банк Бошқаруви мўлжалланаётган операция томонини аффилиланган шахс билан операция бўйича қабул қилинган қарор юзасидан ёзма шаклда хабардор этади.

Бунда аффилиланган шахслар билан барча операциялар бошқа томонларнинг операциялари билан бир хил шартларда амалга оширилиш лозим.

14.10. Аффилиланган шахслар билан битимлар ҳақидаги ахборот, жумладан, уларнинг ёзма хабарномаси ва операциялар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ

матни ҳамда қарор қабул қилган шаслар ҳақидаги маълумотлар Банк йиллик ҳисоботининг бир қисми ҳисобланади.

15. БАНК УСТАВИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

15.1. Банк Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан, янги таҳрирдаги Банк Устави Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

15.2. Мазкур Уставда акс этирилмаган масалалар ва муносабатлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади.

